

# Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ТАРТИБИ

1. Фуқаролар ва юридик шахслар агар суд орқали ҳимоя қилишнинг барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқирилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилишга ҳақли.

**!!! Фуқаролар ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун нормасига шарҳ беришни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Улар Конституциявий судга Конституция ва қонун нормасига расмий шарҳ беришни сўраб, фақат Конституциявий қонуннинг 27-моддасида белгиланган субъектлар орқали масала киритишлари мумкин.**

2. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш шартлари:

– мурожаат қилувчиларнинг фикрига кўра, муайян фуқаролик, жиноят, иқтисодий, маъмурий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда суд томонидан қўлланилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонун ёки қонуннинг аниқ нормаси билан уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлиги бузилган бўлиши лозим. Яъни, конституциявийлиги текширилиши сўралаётган қонуннинг баҳсли нормаси муайян ишда судлар томонидан мурожаатчига нисбатан қўлланилган бўлиши ҳамда Конституцияга зид қонун нормасининг қўлланилиши туфайли мурожаат қилувчининг Конституцияда белгиланган аниқ ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги билан бевосита боғлиқ бўлиши шарт;

– ишни судда кўриб чиқиш тугалланган ва суд ҳимоясининг барча шаклларида фойдаланган бўлиши талаб этилади;

– ишни судда кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай шикоят берилиши лозим. Яъни, бир йиллик муддат – мурожаат қилувчи томонидан қонуннинг баҳсли нормаси унга нисбатан тегишли инстанция суди томонидан қўлланилиб, иш кўриб чиқилган (охирги суд ҳужжати қабул қилинган) кундан ҳисобланади.

3. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда унга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоятга қўйиладиган талаблар:

– Конституциявий судга мурожаат “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 29 ва 30-моддаларида белгиланган талабларга жавоб бериши лозим;

– текширилиши лозим бўлган қонуннинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, эълон қилинган манба кўрсатилиши керак. *Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишилар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-705-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 8, 797-модда; LexUz – миллий базасидаги манзили <https://lex.uz/docs/5545463>);*

– қонун билан Конституция нормаларининг бузилганлиги ҳақидаги вазлар ва далиллар кўрсатилиши лозим. Яъни, қонун ёки унинг аниқ нормаси Конституциянинг қайси нормасига зидлиги (айнан номувофиқлиги ёки мазмунан тўғри келмаслиги) кўрсатилади;

– мурожаатни Конституциявий судда кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилиши лозим. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг тегишли нормаларига ҳавола қилган ҳолда ҳуқуқий асослар келтирилиши лозим;

– мурожаатда қўйилган масала юзасидан мурожаат қилувчининг фикри ва нуқтаи назари асослантирилган бўлиши талаб этилади;

– мурожаатда қўйилган масала Конституциянинг тегишли нормаларига ҳавола қилган ҳолда ҳуқуқий асослантирилиши шарт;

– мурожаат қилувчи фуқаро (фамилияси, исми, отасининг исми) ва юридик шахснинг номи, жойлашган ери, телефони, почта манзили ёки яшаш жойи кўрсатилади. *Масалан, Тоштемуров Абдулла Абдузаффарович, 1965 йил 30 апрелда туғилган, 701155, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Шарқ Юлдузи МФЙ, Янгиобод кўчаси, 79-уйда яшовчи, (+998916517984); [abdulla@uMail.uz](mailto:abdulla@uMail.uz);*

– агар фуқаро ёки юридик шахс вакил орқали мурожаат қилса, унда вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат, шунингдек мазкур шахснинг Конституциявий судда вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим;

– вакил ва унинг ваколатлари тўғрисидаги зарур маълумотлар, электрон почта манзили, ёзишмаларни жўнатиш юридик шахснинг номи ва манзили (жойлашган жойи, телефон, факс, электрон почта манзили) кўрсатилади;

– мурожаатчининг шикоятда иш судда кўриб чиқилганлигини ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланганлигини тасдиқловчи маълумотлар тақдим қилиниши керак. Яъни, биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанциялари томонидан, шу жумладан иш кассация тартибида такроран кўрилиб қабул қилинган суд ҳужжатлари тақдим этилади;

– илова қилинаётган ҳужжатларнинг кетма-кетлик тартибида кўрсатилган ҳолдаги рўйхати тақдим қилиниши лозим.

**!!! Умумий юрисдикция судлари қабул қилган ҳужжатларни қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириш, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлигига баҳо бериш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш Конституциявий суднинг ваколатига кирмайди.**

**4.** Конституциявий судга мурожаат ёзма ёки электрон шаклда юборилади.

Ёзма мурожаатлар почта алоқа воситаси орқали Конституциявий суднинг қуйидаги юридик манзилига юборилади: Тошкент шаҳри, 100163, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй, 1-корпус.

Электрон мурожаатда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ электрон ҳужжатнинг қуйидаги мажбурий реквизитлари кўрсатилиши лозим:

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Электрон мурожаатлар қуйидаги манзилга юборилади: [info@ksu.uz](mailto:info@ksu.uz).

**5.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг телефон рақами: +99871 239-80-20.

Иш кунлари: душанба – жума.

Иш вақти: соат 9.00 – 18.00 (тушлик 13.00 – 14.00).